

**ПРОСТАТА БЕЗИ ХАВФСИЗ ГИПЕРПЛАЗИЯСИНИНГ
III ДАВРДАГИ ТЎҚИМА ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ
МОРФОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИ**

О.А.Хамраев, М.И.Косимхожиев, Д.И.Садикова

Андижон давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон

Охирги йиллардаги илмий-тадқиқот ишларда простата безининг хавфсиз гиперплазиясида (ПБХГ) простата безининг ўсишини таъминлашда строма билан стромал-эпителиал ўзаро муносабатнинг аҳамияти таъкидланмоқда. Бу назария шундай тахминга асосланадики, простата безининг эмбрионал ривожланиши даврида мавжуд бўлган строма ва эпителийнинг бир-бирига ўзаро таъсири ва кейинчалик ҳам безнинг меъёردа ўсиши регуляцияси жараёнига ҳам унда патологик жараёнларнинг пайдо бўлишига таъсир кўрсатиши давом этади.

Тадқиқот мақсади: простата бези хавфсиз гиперплазиясида тўқима тузилмаларига кўра гиперплазияланишни II даврига баҳо бериш.

Материал ва усуллар. Текширув объекти сифатида эркаклар простата бези Республика патологик анатомия маркази биопсия диагностикаси бўлимида текширувдан ўтказилган простатанинг хавфсиз гиперплазиясида ТУР жарроҳлик амалиётида олинган простата бўлакчалари гистологик текширув мақсадида формалиннинг 10% эритмасида 48 соат давомида қотирилди. Оқар сувда 4 соат ювилгандан кейин, концентрацияси ошиб борувчи спиртларда сувсизлантирилди ва парафин куйилиб, ғишчалар тайёрланди. Парафинли ғишчалардан 4-5 мкм гистологик кесмалар тайёрланиб, гематоксилин-эозин ва ван-Гизон усулларида бўялди. Препаратлар ёруғлик микроскопи остида кўриб, ўрганилиб, морфометрик

хисоблашлар ўтказилди. Ҳисоблашлар Г.Г. Автандиловнинг “нуқталарни санаш” усулида олиб борилди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси: Простата бези хавфсиз гиперплазия касаллигининг III-декомпенсация даврида без тўқимасида безлари гиперплазияланиши оқибатида эпителийсининг эгаллаган майдони кескин ошганлиги, без стромасида шаклланмаган бириктирувчи тўқима, силлиқ мушак хужайралари ва яллиғланиш инфилтратининг дифференциалланиб кўпол ва зич толали фиброз тўқимага айланганлиги сабабли унинг эгаллаган майдони ҳам кескин кенгайганлиги кузатилди. Касалликнинг III-декомпенсация даврида без эпителийсининг эгаллаган майдони компенсация даврига нисбатан 11,0%-га, субкомпенсация даврига нисбатан 4%га кенгайганлиги аниқланди. Без эпителийси гиперплазияланиб кўпайишига монанд ҳолда стромаси таркибидаги кўпол толали фиброзланган бириктирувчи тўқимасининг эгаллаган майдони 1-компенсация даврига нисбатан 7,2%-га, 2-субкомпенсация даврига нисбатан 4,1% ошганлиги кузатилди. Ушбу тасвирни график кўринишида таҳлил қилинса, фиброз тўқима устунининг кескин узунлашиб бориши, силлиқ мушак тўқимаси устунининг калталаниб бориши кузатилади. Натижада фиброз тўқиманинг фаоллик коэффициенти ушбу 3-даврида 2,75 даражага кўтарилгани, 1-даврига нисбатан 2,3 баробар, 2-даврига нисбатан 1,5 баробар ошганлиги аниқланди. Бу даврда без стромаси таркибидаги силлиқ мушак хужайраларнинг метаплазияга учраши тезлашиб, унинг фиброз тўқимага айланиши кузатилади. Натижада силлиқ мушак тўқимасининг эгаллаган майдони кескин камайганлиги ва ушбу 3-даврида 10,4% ташкил қилганлиги аниқланди ва ушбу кўрсаткич 1-даврига нисбатан 2 баробар камлиги тасдиқланди.

Хулоса: Простата бези хавфсиз гиперплазиясида без тўқимаси таркибидаги паренхиматоз без тузилмалар ва ундаги без эпителийси эгаллаган майдон касалликнинг даврлари бўйича кескин кенгайиб бориши кузатилди.